

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**ТИЛШУНОС ОЛИМА МУҲАББАТ АБДУЛЛАЕВА –  
ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ ИЛМИНИНГ ЕТУК  
МУТАХАССИСИ**

**мавзусидаги Университет миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-амалий анжумани материаллари  
ТЎПЛАМИ**



**30-oktabr  
2020-yil**

**OUR KNOWLEDGE IS A BIG SUCCESS IN LIFE**

**SOAT  
10:00**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI XORIJY TILLAR FAKULTETI INGLIZ  
TILSHUNOSLIGI KAFEDRASI**

**“Tilshunos olimi Muhabbat Abdullayeva - fonetika va fonologiya  
ilmining yetuk mutaxassisi”**

**UNIVERSITET ILMIY-AMALIY ONLAYN ANJUMANI**

**KAFEDRA OLIMASI M.Q.ABDULLAYEVA TAVALLUDINING 80 YILLIGIGA  
BAG'ISHLANDI**

**QAYSILARDA  
O'ZBEK, RUS, INGLIZ**

**ABDULLAYEVA TAVALLUDINING 80 YILLIGIGA BAG'ISHLANADI**

**Manzil: Buxoro davlat  
universiteti,  
Buxoro shahar M.Iqbol  
ko'chasi 11-uy.**

**БУХОРО – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**ТИЛШУНОС ОЛИМА МУҲАББАТ АБДУЛЛАЕВА –  
ФОНЕТИКА ВА ФОНОЛОГИЯ ИЛМИНИНГ ЕТУК  
МУТАХАССИСИ**

**мавзусидаги Университет миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-амалий анжумани материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**БУХОРО – 2020**

## БАДИЙ ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

*Зокирова Наргиза Савриевна  
Бухоро давлат университети  
таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бадий транслатологик контекстда учрайдиган ҳамда таржимашуносликда жиддий баҳсларга сабаб бўлиб келаётган эквивалентлик ва адекватлик тушунчалари, уларнинг таржимашуносликдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилади. Муаллиф бадий таржиманда эквивалентлик ҳамда адекватлик тушунчаларининг бири-бири билан қанчалик яқин ёки, аксинча, қай даражада фарқ қилишини ёритишга ҳаракат қилган.

**Аннотация.** В этой статье обсуждаются понятия эквивалентности и адекватности, их место и значение в переводческих исследованиях, которые встречаются в литературном переводологическом контексте и вызывают серьезные противоречия в переводческих исследованиях. Автор попытался пролить свет на то, насколько близки или различны друг в друге понятия эквивалентности и адекватности в художественном переводе.

**Таянч сўз ва иборалар:** эквивалентлик, адекватлик, таржима матнлари, транслатологик контекст.

**Ключевые слова и словосочетания:** эквивалентность, адекватность, переводческие тексты, транслатологический контекст.

Таржима тиллараро мулокотнинг алоҳида тури сифатида асосий эътиборни икки тил тизимининг семантик жихатига қаратишни тақозо этадиган ижодий жараён дир. Чунки ахборотнинг тўлақонлилиги асосини турли тиллар матнларининг семантик уйғунлиги ташкил этади. Лисоний таржиманинг муҳим вазифаларидан бири «транслатологик эквивалентлик» тушунчасини муайян қилишдан иборат дир.

Бадий таржиманинг мукамал бўлишида эквивалентлик муҳимми ёки адекватлик, деган савол таржимашуносликда катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Эквивалент лотинча “*aequivalens*” сўзидан олинган бўлиб, “тенг кучли”, “бир хил маънода” дегани дир. Тилшунос таржимашунос олимлар эквивалентликнинг бир неча типлари мавжуд эканлигини таъкидлашади. Қуйида улардан асосий 5та типини айтиб ўта миз.

I. Эквивалентликнинг биринчи турида таржималарнинг аслиятга уйғунлиги кўз илғамас даражада намоён бўлади. Аслият ва таржима

ўртасидаги муносабатлар асосан ушбу кўринишларга эга булади: а) лексик таркиб ва синтактик қурилишдаги номувофиклик; б) икки ҳолатда ҳам бир хил фикр баён этилаётганлигига қарамасдан, аслият ва таржимада ифода этилган ахборот ўртасида бевосита мазмуний ёки мантикий боғланишнинг кўзга ташланмаслиги; в) аслият ва таржима матнлари мазмунлари орасидаги умумийлик даражаси эквивалент сифатида тан олинган бошқа таржималарга нисбатан ниҳоятда паст.

II. Эквивалентликнинг иккинчи турида таржиманинг аслиятга яқинлиги фойдаланилган тил воситалари маъноларининг бир хил эмаслиги билан изоҳланади. Бу гуруҳда аслият билан таржима матнларини ташкил этадиган кўпчилик сўз ва синтактик қурилмалар ўртасида бевосита яқинлик кўзга ташланмаса-да, икки тил матнлари эквивалентликнинг биринчи турига нисбатан мазмунан кўпроқ ўхшашдир.

III. Эквивалентликнинг учинчи турида аслият ва таржима матнлари орасида қуйидаги хусусиятлар кўзга ташланади: икки тилнинг мазмунан ўзаро мос ифода воситалари лексик таркиб ва гоҳо синтактик қурилиш жиҳатларидан тўла уйғун бўлмайдилар.

IV. Эквивалентликнинг тўртинчи турида аслият ва таржима ўртасидаги муносабат икки тил матнлари лексик таркибларининг янада кўпроқ ўхшашлиги билан изоҳланади: 1. I told him what I thought of her // Мен унга киз хақидаги фикримни айтдим. 2. He was never tired of old songs // Эски ашулалар ҳеч қачон унинг жонига тегмас эди.

V. Ниҳоят, бешинчи турда аслият ва таржима матнлари орасидаги эквивалентлик юқори даражада намоён бўлади: 1. I study at the University // Мен унверситетда ўқийман. 2. The house was sold for 10 thousand dollars // Уй 10 минг долларга сотилган эди.

Эквивалентликнинг бешинчи типига хос хусусиятлар мукамал кўринишда адекват таржимада намоён бўлади. Адекват лотинча “ad-aequo” сўзидан олинган бўлиб, “ўхшаш”, “бир хил”, “тенг”, “тўла мос”, “бир-бирига айнан ўхшаш” каби маъноларни англатади. Айрим таржимашунослар фикрича, таржима қилинаётган тил меъёрига қатъий амал қилган ҳолда асосий мазмунни узатиш эквивалент таржима бўлиб, бу мақбул ҳолатдир. Адекватлик тушунчаси эса эквивалентликдан кўра кенгроқ қамровга эга. В.Виноградовнинг фикрича, эквивалентлик таржиманинг аслиятга яқинлашувини таъминловчи бир омилдир, ҳолос.

Матннинг аслиятга яқинлашув даражалари кўплаб омилларга, хусусан, таржимон маҳорати, тил ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлик жиҳати ва таржима қилинаётган матннинг характериға боғлиқ. Адекват таржима эса прагматик муаммоларни эквивалентликнинг максимал даражасида ҳал этади ва жанрнинг услубий талаби ва таржима имкониятидан келиб чиқиб, тил меъёрининг бузилишиға йўл қўймайди. А.В.Феодоров эса умуман бу терминға ҳожат йўқлигини, “адекватлик” истилоҳининг ўрнини тўлиқ таржима жумласи билан ўзгартириш кераклигини таъкидлайди.

Олимнинг фикрича, тўлақонли таржима аслиятнинг жанр хусусиятлари ва функционал-стилистик компонентларига тўла мос келади. Аммо назаримизда адекватлик тушунчасини “тўлақонли таржима” ёки “эквивалентликнинг бир поғонаси” деб эътироф этиб бўлмайди. Биринчидан адекватлик – нисбий тушунча мукамал таржима эмас. Яъни таржима аслиятга адекват дегани тўлақонли аслиятнинг ўзи дегани эмас. Таржимада аслиятнинг нолисоний жихатларидан(оҳанг, руҳият, услуб) нимадир сақланиб қолганлигини англатади. Иккинчидан эса адекватлик эмас, балки эквивалентлик – адекватлик сари ташланган бир поғонадир.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, олимларнинг эквивалентлик ва адекватлик тушунчасига ёндашуви уларнинг ўз ихтисосликлари доирасида чуқур фикрлаганликларидан ва шу билан чекланганликларидан келиб чиққан. Адекватлик муаммосига тўхталган олимларнинг бирортаси бадий таржима, хусусан, шеър таржимасида руҳият, ғоя, ботиний маъно ва оҳанг каби муҳим омилларсиз адекватликка эришиш мумкин бўлмаслигига аҳамият бермагани бу муаммо хануз ўз ечимини топмаганини кўрсатади. Г.Д.Воскобойник фикрича, эквивалентлик билан чекланувчилар “матн – бу система (тизим)”, деб қарасалар, адекватлик тарафдорлари “матн – бу тирик организм” деб ҳисоблайдилар.

Баҳсларга умумий назар ташлаб, ҳар иккала қараш тарафдорлари ёндашувларида бирёқламалик мавжудлигини кўриш мумкин. Сўз бадий таржима сифати хусусида борар экан, адекватлик сари интилиш, йўқ деганда минимум эквивалентликка эришиш билан яқунланиши мумкин. Бу ўзбек халқининг “тоғдек сўрасанг, тепадек беради” нақлини эсга солади. Бадий таржимада таржимон ишни, яъни таржимани эквивалентлик позициясидан туриб бошлаши маъқул ҳолат эмас.

Хулоса қилиб айтганда. таржиманинг аслиятга прагматик адекватлиги аслият ва таржима соҳибларининг бир хил ахборотга эга бўлишлари билан ифодаланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. А.Д.Швейсер Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М., 1988.
2. Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш. Тошкент, 1978.
3. О.Мўминов, Р.Турғунов, А.Рашидова, Д.Алимова. Транслатион – Ёзма таржима – Писменный перевод. Тошкент, 2008.
4. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент, Мумтоз сўз. 2011.

### 3-ШЎБА: ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

<i>Гадоева М.И.</i> Инглиз тилидаги “head” - (бош) компонентли соматик фразеологик бирликлар семантикаси.....	136
<i>Alimova M.KH., Oripova M.J.</i> Role of comparative typology in teaching English as a foreign language.....	139
<i>Abdullayeva G.G.</i> Leksik birliklarni sinxron tarjimada ifodalash imkoniyatlari.....	142
<i>Yadgarova Z.T.</i> Intonatsiya va ohangning pasayuvchi va ko'tariluvchi xususiyatlari.....	145
<i>Зокирова Н.С.</i> Бадиий таржимада эквивалентлик ва адекватлик тушунчалари.....	148
<i>Kabilova F., Turayeva K.T.</i> English translation of Abdullah Qadiri's novel "Days gone by" and its reflection skills.....	151
<i>Khalibekova A.K.</i> Axiological features of phraseological units with zoonym component in English and Uzbek languages.....	156
<i>Saydullayeva S.S.</i> Verbal and non-verbal manifestations of verbal etiquette in speech.....	158
<i>Shukurova M.A., Karamatova D.</i> Some notions on the comparative analysis of stylistic devices in the English and Uzbek languages (in the example of metonymy).....	161
<i>Shukurova M.A., Abdullayeva N.</i> Ingliz va O'zbek tillarida majburiylik ma'nosining ifodalanishining o'ziga xos xususiyatlari.....	163
<i>Shukurova M.A., Yo'ldosheva M.</i> Comparative analysis of metaphors in the English and Uzbek languages.....	167
<i>Shukurova M.A., Khayrullayeva A.</i> Comparative analysis of structural-grammatical features of nouns in the English and Uzbek languages.....	169
<i>Xodjayeva D.I., Xusenova M.O`.</i> Fonetik terminlarning qiyosiy tahlili (izohli lug'atlar misolida).....	172
<i>Madrahimova R.Sh.</i> Shekspir asarlaridan ba'zi ifodalarning tarjumlari.....	177
<i>Yadgarova Z.T., Hamroyeva Sh.Sh.</i> O'zbek va ingliz tillarida olmoshlarning leksik-semantik xususiyatlari.....	179

### 4-ШЎБА: ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

<i>Rasulov Z.I.</i> Implications from phonology for teaching a second language.....	183
<i>Xasanova D.</i> Classroom study in identity.....	187